



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-542

« ___ » _____ 20__ г

**Олтинсой тумани “Қўшчинор” массиви
худудида фаолият юритаётган “Сирожиддин
Бойбури” фермер хўжалигига “Иссиқхона”
қуриш учун рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/544 -сон йиғилиш баёни ва Олтинсой туман ҳокимининг 2020 йил 08 июлдаги 01-05/147-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/544-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Олтинсой тумани “Қўшчинор” массиви худудида фаолият юритаётган “Сирожиддин Бойбури” фермер хўжалиги ҳисобидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 558 ва 559-дала контурларидаги 1,0 гектар лалми экин ер майдонига “Иссиқхона” қуриш учун рухсат бериш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Сирожиддин Бойбури” фермер хўжалиги бошлиғи О.Джумаевга:
рухсат берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида рухсат берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Олтинсой тумани ҳокимлиги (А.Джумаев) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов